*КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ОЛДИДАН*

# ХАЛҚНИНГ ЧИРОҒИ

Инсон бир умр ўзи билиб билмаган ҳолда эртасидан нимадир кутиб яшайди. То томирларида қон қайнаб турар экан, бу умид уни тарк этмайди. Чин миллат кишиси кенг доирада мушоҳада юритади, ўтмишига суяниб, келажагига ишониб амалия кўрсатади.

Кечагина «зўрлик билан қилинадиган зулм ўрнини пора олган, ижтимоий халқимизнинг энг асосий воситаси қилич эмас, пул бўлиб қолган» /Маркс, Энгельс/ бизнинг даврда бугун қайта қуриш меваларига ҳақиқат, адолат зиёларига ташна миллатимиз вакиллари она тилимиз тақдири учун курашмоқдалар. Унинг мустақиллиги учун жон фидо қилишга ҳам тайёр ҳолатдалар. Зеро, миллатнинг миллат сифатидаги биринчи аломати ТИЛ! Буни шарқ фозилу дониш-файласуфлари ҳам, ғарб марксистлари ҳам бирдек тан олишган.

«Ирқий, қавмий, жуғрофий, сиёсий, иродий кучлардан устун келадиган ва уларга ҳукм ўтказадиган, бизни миллат сўзига боғлаб турган надир?» — деб савол беради буюк шоир ва олим Зиё Гўкалп. Ва бу саволга ўзи шундай жавоб келтиради: «Социология илми шуни таъкидлайдики, бу боғлаб турган нарса — тарбия, маданиятда, яъни туйғуларда иштирок жараёнидир. Инсон энг самимий, энг ички туйғуларини пок тарбия пайтида олади. То бешикда экан, эшитган аллаларида она тилининг таъсири остида ўсади. Натижада энг кучли севганимиз тил — она тилимиздир. Руҳимизга вужуд берган бутун дин, ахлоқ ва гўзалликни ўша тил воситаси-ла олганмиз».

Миллатнинг, халқнинг келажаги биринчи галда фақат она тилга боғлиқлигини сўзи бошқа, амалдаги иши бошқа «мустабид шоҳ» И. В. Сталин ҳам рад этмайди. У «Миллий масала ва ленинизм» асарида «. . . миллионларча халқ оммаси маданий, сиёсий ва хўжалик тараққиёти бобида фақат она тилида, миллий тилда янгидан-янги муваффақиятларга эриша олади» деб ёзади.

Тарихдан аён: қанча-қанча миллатлар йўқолиб кетганлар. Ўтмишидан ном-нишон қолмаган. Бундай халқларнинг узоқларни кўзлаган ҳаётий ғоялари бўлмаган, буюк сарварлари бўлмаган, ҳамжиҳатликлари, тотувликлари бўлмаган. Куч эса ҳамиша бирликда! Куч бир-бирини иззат-ҳурмат қилишда, севишда, халқ сифатида ўзини тарбиялаб бораверишда! Камолотга интилмаган халқ халқ эмас!

Албатта, бу ерда халқнинг маънавий фаолиятини назарда тутаяпман. Қайси бир халқ дунёдан йўқолиб кетган экан, биринчи галда ўша халқнинг она тили йўқолган! Бунга мисол тариқасида инсоният тарихидан ҳозирча бизга маълум бўлган энг қадимий шумер давлатини кўрсатиш мумкин. Бу серқуёш ўлка Месопотамия ерларида жойлашган бўлиб, Осиёнинг икки улкан дарёси Дажла ва Фротнинг суви билан таъминланган, унда олти минг йил аввал қадимги даврнинг буюк цивилизацияси —шумер давлати вужудга келган. Шумерлар цивилизацияси ассирийлар, бобиллар. оккадлар цивилизациясидан кексароқдир, санъати, адабиёти юнонларникидан қадимийроқдир. Пифагор теоремасини шумер математиклари ўша пайтдаёқ исбот қилган.

Ана шу шумер халқи тилидан бизга фақат «сопол китоб»ларга битилган афсонавий Нух, аниқроғи, «Библия»даги Нух ҳамда Гилгамеш ҳақидаги шеърий парчаларгина етиб келган.

Туркий, яъни ҳозирги она тилимизнинг қадимийлиги ҳақида кўп гапириб ўтирмайман. Ва лекин Қутайба босқинларидан кейин она тилимиз келажаги учун курашган буюк тилшуносимиз Маҳмуд Кошғарий номини эслатмай ўтиш ножоиздир.

«Худо давлат қуёшини турклар буржида яратди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг хоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жиловини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди, буларни тўғри йўлга юришга қодир қилди. Буларга қарашли кишиларни ғолиб қилди. Уларга қарашли кишилар мақсадларига етиб, бебошлар ҳалокатидан қутулди. Уларнинг ўқларидан сақланмоқ учун уларнинг хатти-ҳаракатларини маҳкам тутмоқ ҳар бир ақлли кишига лойиқ ва муносибдир. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл — уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар бермайдилар. Ҳатто улар ўз паноҳида турган бошқаларнинг гуноҳини ҳам кечиб юборадилар» («Девону луғотит турк»дан).

Бугунги кунда адабий жамоатчилик ўртасида гоҳи-гоҳида «тилимизни форсчадан, арабчадан тозалаш» ҳақида гап кетиб қолади. Аммо, менинг назаримда бу бирёқлама, хато қараш. Биз эски ўзбек имлосига қайтишимиз жоиздир! «Биз тарихимиздан узилиб қолган халқмиз... Ҳаётнинг пасту баландини тушунганимиз сари бу масала юзага чиқиб қолаяпти. У чуқурлашиб бораверади»., («Гулистон», 1989 й, № 7). Битта Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтида тўпланган қўлёзмалар ҳозирги кунда 18 минг томдан ошиб кетибди.

Тил либоси — имло! Тилимиз либосидан айирувчилар, кўпчилик таъкидлаганидек, 30-йилларда пайдо бўлгани йўқ. Унинг илдизи XIX асрнинг иккинчи ярмидаги чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатига бориб тақалади.

Ўттиз беш йил Туркистонда яшаган, Самарқандга губернаторлик қилган чор маъмури Н. С. Ликошин («Полжизни в Туркистане. Очерки быта туземного населения». Санкт-Петербург, 1917 г.) нинг ёзишича, Туркистоннинг собиқ генерал губернатори барон Вревский 1891 йил ўлка вилоятлари ҳарбий губернаторларига йўллаган махфий хатида қуйидаги кўрсатмани берган: «... ишни, жаноблар, шундай ташкил қилиш пайти келдики, маҳаллий халқ (туземцы) рус ва фақатгина рус мактабида ижтимоий фаолият ва давлат хизмати учун зарур билимлар маскани ва тарғиботчиси тимсолини кўришсин, ва айни вақтда анъанавий мактаб ва мадрасадан олган билимларининг ҳозирги давлат ва ижтимоий тузумга яроқсизлигини англаб етишсин», (56-57-бетлар). Қарангки, чор генерал губернатори тарихий маданиятимизни, она тилимизда талим олишни очиқдан-очиқ тақиқлаган ёки миллий мактаб—мадрасаларни ёпишни тавсия қилмаяпти, балки уларни фақатгина «ижтимоий ва маъмурий фаолиятда кераксиз» қилиб қўйишни маслаҳат бераяпти. Яна шу юқорида кўрсатилиб ўтилган нашрда айтилишича, Н. П. Остроумов томонидан ишлаб чиқилган эски ўзбек алифбосини рус алфавити билан алмаштириш плани бўлган. Бу план нимагадир ўз пайтида амалга оширилмай қолган.

Аммо «... мамлакатда она тилида кўп мактаблар очиш керак, уларни она тилини биладиган ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш керак», «... бошқарув аппаратларининг ҳаммасини, партия ва касаба союзларидан тортиб давлат ва хўжалик аппаратларигача миллийлаштириш, яъни уларни состав жиҳатдан миллий қилмоқ керак», «... она тилида матбуотни, театрлар, кино ва бошқа маданий муассасаларни кўпайтирмоқ керак...», деган Сталин ва у бошлиқ маҳаллий «раҳнамолар» уни минг либосда турланиб, боплаб амалга оширдилар. Бу сиёсий «ўйин»лар оқимига қарши турганларнинг тақдири бугун барчага маълум!

Дарҳақиқат, миллат тили ривожи — маорифнинг ривожидир. Маориф ривожисиз ҳеч бир миллат, ҳеч бир давлат туб таянчга, яшаб қолишдек пойдеворга эга бўлолмайди!

Бизга маълумки, ҳозирги кунда бутун дунё халқлари ҳавас билан (баъзилар ҳасад билан) қараб турган Япония XX аср бошида фақат маориф воситаси орқали оз фурсатда улкан юксалишларга эришди. Бу юксалишнинг асосий боиси ўзининг барча куч-қудратини маориф соҳасига йўналтирганлигидадир. Буни Туркия мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Маориф ривожи эса, аёнки, ўзлигини танишга, миллий маданиятни, миллий саноатни ривожлантиришга, ватаннинг ишлаб чиқариш қувватини оширишга, давлат ҳаракатларини халқ орзу-интилишлари, мурод-мақсадлари билан бирлаштиришга олиб келади.

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, тўла маънодаги ҳуқуқсиз тилли халқнинг келажаги йўқ! Ўзбекларда «чироғи ўчган халқ» деган ибора бор. Зеро, она тилсиз халқ — чироғи ўчган халқ.

Бугун ошкоралик, қайта қуриш замонида кўп миллатлар тиллар борасида ҳам Ленинга мурожаат қилмоқда.

В. И. Ленин: «Кимки миллат ва тилларнинг тенг ҳуқуқлигини эътироф этмаса ва ҳимоя қилмаса, ҳар қандай миллий зулмга ёки тенг ҳуқуқсизликка қарши курашмаса, ундай киши марксист эмас, ундай киши ҳатто демократ ҳам эмас!» («Миллий масала тўғрисида танқидий мулоҳазалар» мақоласидан).

Ҳақиқат аён: ЎЗБЕК ТИЛИГА давлат тили ҳуқуқи берилиши — зарурият!

**Азим СУЮН**

# МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЗАМИНИ

Боши биринчи бетда

ганда ҳам мустақил овози, ўз мустақил фикри, муносабатини намоён қилиши, пировардида Иттифоққа таъсир ўтказиши шарт-ку, ахир! Айниқса, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаёт муаммоларини ҳал этишда фақат Иттифоқнинг ўзи республикалар манфаатларини ҳисобга олмасдан, улар билан маслаҳатлашмасдан шу соҳадаги масалаларни мутлақо ҳоким тарзида ечаверса, бу яна турғунлик даврини тирилтириш деган маънони англатади-ку! Ҳолбуки, ҳозир муҳокамадан ўтказилаётган партиявий ҳужжатнинг ўзида **«Республикаларнинг суверен социалистик давлат мақомига мос келадиган барча ҳуқуқлар уларга берилиши лозим. Республикалар ўзлари ихтиёрий равишда Иттифоқ тасарруфига топширган масалалардан ташқари давлат турмуши ва ижтимоий турмушнинг барча масалаларини ҳал қилишга ҳақлидирлар»**, дейилган.

Хўш, республикаларга суверен социалистик давлат сифатида қандай ҳуқуқлар берилади? Улар қайси масалаларни ечишни ўз ихтиёри билан Иттифоққа топширади-ю, қайси бирларини ўзларида олиб қолади?

Бу саволларга илмий жиҳатдан аниқ ва ҳаққоний жавоб қайтариш зарурлиги Иттифоқ билан республикаларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини белгилашда яққол намоён бўлади. Республикаларнинг ўз тақдирини ўзи белгилайдиган суверен ҳуқуқи партиявий ҳужжатда қуйидагича изоҳланади: **«Иттифоқдош республика территориясидаги ерлар, ундаги конларга, ўрмон, сув ва бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Шу билан бир вақтда ана шу ресурслардан фойдаланишнинг, шу жумладан, умумдавлат, республикалараро манфаатларни ҳамда мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги манфаатларини ҳисобга олиб, фойдаланишнинг умумиттифоқ асосларини белгилаш ҳуқуқини ССР Иттифоқига бериш лозим бўлади».**

Қаранг-а, республикаларнинг ўз еридаги барча табиий бойликларга эгалик қилиши, яъни хўжайин бўлиши эътироф этилмоқда! Бунга хурсанд бўлмасдан иложингиз йўқ, аммо бу хурсандчиликка нимадир халақит бераётганга ўхшайди. Гап шундаки, кимки нимага эгалик қилиб, хўжайин бўлса, ундан ўз хоҳиши, эҳтиёжларига мувофиқ фойдаланиши зарур деган маъно англашилади. Лекин мазкур ҳужжатда масаланинг шу жиҳатига аниқлик киритилмабди. Унда қайд этилишича, республика бойликлари ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи Иттифоққа, яъни Марказга берилади. Буни қандай тушуниш керак? Айтайлик, сен ўз уйингдаги молларга, енгил автомашина ёки сигир-қўйлар, отларингга ўзинг эгалик қилавер-у, бироқ улардан қачон, қандай мақсадда фойдаланиш масаласини ўзинг эмас, балки давлат ҳал қилади, деган фикр туғилмаяптими?

Бу ҳолда республикаларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қиладиган суверен социалистик давлат даражасига кўтарила олиши амримаҳолдир. Республикаларга уларнинг территориясидаги барча табиий бойликлар, ресурслар, имкониятларга эгалик қилиш билан бирга улардан мустақил фойдаланиш ҳуқуқи берилмаса, ҳеч қандай хўжалик ҳисоби иқтисодий тараққиётни таъминлай олмайди. Тўғри, республикалар ўз ер-суви, табиий ресурсларидан мустақил фойдалансинлар-у, бироқ фақат ўзининггина эмас, Иттифоқнинг ҳам фойдасини кўзласин. Масалага шу нуқтаи назардан ёндашиб, улар ўртасида махсус шартномалар тузилса, ҳар иккала томоннинг тенг ҳуқуқли, мустақил ҳамкорлик қилиши қонунлаштириб қўйилса ва бунга қатъий риоя қилинса, чинакамига қайта қуришга эришиш мумкин. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мисол тариқасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети ҳамда Министрлар Советининг «Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ва якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қароридан бир-икки нуқтасини шарҳлашнинг ўзи кифоядир, деб ўйлайман. Мазкур қарорнинг бошидаёқ қуйидаги муҳим бир қайдга дуч келамиз: **«Шахсий ёрдамчи хўжаликлар ижтимоий ишлаб чиқариш билан интеграциялаш афзалликларидан фойдаланиб, ердан янада самарали фойдаланмоқда ҳамда ҳар гектар ер ҳисобига колхоз ва совхозларга нисбатан 3—4 баравар кўп ялпи маҳсулот олмоқда».**

ШУНДАЙ ЭКАН, нега энди дастлаб бир колхоз ёки совхоз, сўнгра район, ҳатто область ерини тажриба учун ижара пудрати сифатида деҳқонларга, умуман деҳқончилик билан шуғулланишни хоҳлаган меҳнаткашларга бериш мумкин эмас? Борди-ю, шундай қилинса, озиқ-овқат маҳсулоти йилига 3—4 марта кўпайиб, бу борадаги қийинчиликларга барҳам беришимиз осонлашмасмиди?

Имоним комилки, тезлашарди, осонлашарди, бундан ҳукумат ҳам, халқ ҳам наф оларди, ҳаётимиз сўзда эмас, амалда фаровонлашарди! Афсуски, республика бундай қилиш ҳуқуқига эга эмас. Унинг «қўли»нигина эмас, балки руҳи, онгу тафаккурини Марказий планлаштириш, режалаштириш маҳкамаси «боғлаб» қўйибди! Марказ, яъни Иттифоқнинг моддий ҳамда маънавий, маданий бойликларни ишлаб чиқаришдаги яккаҳокимлигини тугатиш учун биринчи галда барча соҳалардаги планлаштириш, режалаштириш ишларини бевосита бу жараённинг бевосита иштирокчилари зиммасига юклаш шарт. Буни яхшироқ тушуниш учун юқорида тилга олинган қарорнинг яна бир нуқтасига эътиборни жалб этаман: Унда Ўзбекистон қишлоқларида «240 минг оиланинг ер участкаси йўқ. 1800 мингдан ортиқ хонадон эса уй-жой қуриш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ўз ер участкаларини кенгайтиришга жуда муҳтож» деб таъкидланиб, 1990 йил 1 январгача ер участкалари бўлмаган колхозчилар, совхоз ишчиларини, 1991 йил январгача эса меҳнаткашларнинг уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни юритиш учун ерга бўлган эҳтиёжларини (бунинг ҳажми, кўлами 0,25 гектар қилиб жуда оқилона белгиланган) тўла-тўкис қондириш вазифаси тегишли ташкилотларга юкланган. Меҳнаткашларнинг ерга эҳтиёжи тўла-тўкис қондирилса, қандай яхши! Аммо шу давр ичида пахта майдонлари кескин қисқартирилмаса, шахсий хўжаликларнинг ерга эҳтиёжларини қондириш асло мумкин эмас-ку?

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XVI пленумида 1990 йилдан пахта плани 1,5 миллион тонна тола ҳисобида (бу тахминан 4 миллион 500 минг тонна пахтадир) белгиланиши айтилди. Келгусида режалаштириш республиканинг ўз ихтиёрига топширилади, деган фикрдан биз айниқса мамнунмиз. Шу маънода республикага тўла иқтисодий мустақиллик, эркинлик берилишини талаб қилишга ҳақлимиз. Ва у ҳозир муҳокамадан ўтказилаётган партиявий ҳужжатда ҳам янада аниқ ва қатъий акс этиши зарур. Чунки, у фақат Ўзбекистонимизгагина эмас, балки барча қардош республикаларга тўла тааллуқлидир.

Умуман, ҳаётнинг барча соҳаларига доир масалаларни ечишда республикаларга тўла мустақиллик, эркинлик берилиши миллий жабҳалардаги зиддиятлар, тўқнашувлар, низоларни бартараф этишга ҳам қулай имконият туғдиради. Бунинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини тасаввур этиш учун Фарғона фожиасини эслаб ўтайлик. Бу фожиани келтириб чиқарган сабаблар, омиллар мамлакатимизнинг турли бурчакларида, жумладан, Тоғли Қорабоғ, Тбилиси, Сумгаит, Абхазия, Янги Узен каби жойлардаги тўқнашувлар, зиддиятлар, низоларнинг асосига муштаракдир. Буни партиямизнинг миллий сиёсатини белгиловчи платформаси лойиҳасида яққол кўрамиз: **«Миллий ўзига хосликка лоқайд қараш, кўпгина ижтимоий муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги миллий онгда оғир акс этди, ранж-алам туйғуларини келтириб чиқарди, бундан кўпинча вазиятни кескинлаштириш учун фойдаланилди, бу аҳвол миллий экстремизм учун ҳаётбахш муҳитни вужудга келтирди. Буларнинг ҳаммаси мамлакатнинг бир қанча регионларида миллий муаммоларга кескин тус берди, шу ерда тўпланиб қолган зиддиятлар бошланган қайта қуриш жараёнини чигаллаштирди».**

Қандай салмоқли, ҳаққоний фикр! У баъзан рўй бераётган миллатлараро тўқнашувларнинг илдизи, биринчи навбатда, ижтимоий-маънавий, иқтисодий ва миллий муаммоларга лоқайд қаралиб, уларнинг ечилмаганига бориб тақалишини ишонарли кўрсатаяпти. Ваҳоланки, айрим шахслар, бутун Фарғонани миллатчилар босиб кетган, улар реакцион дин вакиллари билан бирга ўша ерда яшаётган қардош халқларни, биринчи галда русларни қириб ташлаб, совет ҳокимиятини ағдариб ташлаш, сўнгра қандайдир «ислом давлати»ни тузиш учун курашдилар, деб жар солдилар.

Масалага бундай қараш мутлақо нотўғри эканлигини партиямизнинг миллий сиёсатини белгиловчи платформадан келтирилган сўзлар исботлаб турибди. Энг муҳими, бу платформа лойиҳаси халқларимиз ўртасидаги дўстлик, қон-қардошлик, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаб, ҳар томонлама ривожлантириш заминини кўрсатмоқда. Борди-ю, мана шу заминни ташкил этувчи иқтисодий, ижтимоий, маънавий омилларнинг софлиги таъминланса, миллатлараро низолар, зиддиятлар, тўқнашувларнинг олдини олиб бўлмасмиди?

Ўйлайманки, олдини олиб бўларди.

БУНДАН ЙИГИРМА ЙИЛ олдин республика пахта етиштириш планини кескин қисқартириб, табиат муҳофазасини таъминлайдиган амалий тадбирларни кўрса, турмуш тарзини яхшилаш учун пахтани давлатга сотиш нархини оширса, колхозчилар, совхоз ишчиларига кўпроқ ер берса, ишсизликка йўл қўймайдиган ишлаб чиқариш корхоналарини қурса демократия ва мустақиллик асосида иш олиб борса, бу тўқнашувлар бўлмаслиги мумкин эди.

Афсуски, қонли тўқнашувлар бўлди, фожиалар рўй берди. Негаки, уларни туғдирган чигал, иқтисодий, ижтимоий, маънавий муаммоларни республика ўзича мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас эди. Оқибатда жуда катта зарар кўрилди. Гап бир қанча муддатга қишлоқ хўжалиги, саноатдаги ишлар тўхтаб қолиб, миллион-миллион сўмлар шамолга совурилганидагина эмас. Минглаб одамларнинг қалби яраланди, қанча қора кўзлар билан бирга месхети турклари, бошқа миллат вакиллари ҳалок бўлди...

Партиянинг миллий сиёсати платформаси маълум даражада бундай ҳоллар такрорланмаслигига кафолат беради. Бу айниқса, **лойиҳада** миллий тиллар **масаласини** [illegible] қилишда кўзга яққол ташланади: **«Иттифоқдош ёки автоном республикага ном берган миллатнинг тили давлат тили деб эътироф этилиши мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги масала шу республикалар ихтиёридадир».** Тўғри, ҳар бир миллат ўз тилининг тақдирини ўзи ҳал қиларкан, буни ҳақиқий мустақиллик деб ҳисоблаш мумкин. Лекин ҳар қандай мустақиллик қонунлаштирилиб, амалиётга татбиқ этилгандагина ўзини оқлайди. Дарвоқе, ҳозирда ҳам миллатлар, элатлар, халқлар ўзининг ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиётини белгилаши эътироф этилади. Бироқ кўпинча бу фақат сўзда эди.

Лойиҳада яна бир нуқта диққатимизни жалб этади: «Давлат тили мақоми шу тил ижтимоий ва маданий вазифаларининг кенгайишини, бунинг учун зарур бўлган моддий-техникавий, кадрларга оид педагогик ёки бошқа масалаларни ҳал этишни, маҳаллий тилни ўрганишда бошқа миллатларга мансуб кишиларни рағбатлантириш ва уларга ёрдам беришни англатади».

Бу чўзиқ жумлани: **«Давлат тили мақоми шу тил равнақи учун ҳамма соҳаларда қонуний имтиёз билан таъминланади»** деб ўзгартириб, қисқартириб ёзилиши мақсадга мувофиқдир. Муайян халқ тили қандай қилиб «ижтимоий ва маданий вазифаларини кенгайтириб», тараққиёт даражасини, салмоғини орттиради, агар унга қулай шарт-шароит, имтиёзлар берилмаса?! Тилга давлат мақоми берилиши шу тилга имтиёзлар берилади, шарт-шароит яратилади, деган маънони англатади. Ўзбек тили етмиш йилдан ортиқ муддат ичида рус тилининг «соя»сида қолиб, турғунлик касалига мубтало бўлди. Энди унинг шу касал, дарддан фориғ бўлиши учун имтиёзлар, қўшимча имкониятлар керак.

Айрим ўртоқлар газеталар, баъзан радио, телевидение орқали чиқиш қилиб, масаланинг жиҳатига яхши тушунмасдан рус ва ўзбек тилини давлат тили ҳуқуқи билан таъминлашга даъват этмоқдалар. Борди-ю, шундай бўлса, яна ўзбек тили жабрланиши, қолоқликка маҳкум этилиши билан уларнинг иши йўқ. Чунончи, «Правда» газетасида каминанинг мақоласи (1989 йил, 25 август) билан ёнма-ён Олмалиқ шаҳридаги 12 одамнинг (негадир буларнинг исм-фамилиялари, қ а ерда ишлаши, қайси миллатга мансублиги кўрсатилмаган) худди шунга ўхшаш фикрни ифодалаган мактубидан бир парча босилди. Унда ўзбек тилида илмий-техник тушунчаларни, фикрларни англатиш учун сўзлар топилмайди, дейилади. Бундан мактуб эгалалари ўзбек тилининг қанчалик бой, ранг-баранг, салмоқли эканлигини билмасдан тилимизни, халқимизни беҳурмат қилаётгани, камситаётгани яққол сезилиб қолган. Бу ўз манфаати ҳақида қайғуришдан бошқа нарса эмас.

НЕГА ЎЗБЕКИСТОН ЁКИ бошқа қардош республикаларда яшаётган рус ўртоқларимиз маҳаллий халқ тилини, масалан, ўзбек тилини ўрганиш, ўзлаштиришга қарши чиқиб, фақат ўз она тилимизда иш олиб борамиз, деб бонг урмоқдалар? Биз эса она тилимиз билан чекланмасдан рус тилини ҳам тўла ўзлаштириш учун курашамиз? Ахир, мен масалан, рус тилини яхши билмасдан рус ўртоқлар билан қандай қилиб чин маънода дўстлашиб, ҳақиқий ҳамдарду ҳамкор бўламан? Шундай экан, республикамиздаги русларнинг ўзлари сизларнинг тилингиз бизнинг тилимизнинг якка ҳокимлиги оқибатида жуда кўп жабр кўрди, ривожланишдан тўхтади, энди унга давлат тили мақомини бериб, керакли имтиёзлар билан таъминлайлик, дейиши фарзу қарз эмасми?..

# ТИЛИМИЗНИ ҲАККА ЧЎҚИГАНМИ?

Боши биринчи бетда.

бир қаторда юз кишилик жамоа орасида битта ўзга тилли одам бўлса ҳам ўшанинг тилида гапирилмаса ғайри қонуний деб ҳисобланди. Андиша ва ўзгага ҳурмат туфайли яримта-юримта, чала-чулпа бўлса-да, ўша тилда гапирилди. Ишчи, деҳқон, талаба, зиёлининг ўз она тилида ёзилган аризаси катта-кичик амалдорлар томонидан инобатга олинмади. Бунинг натижасида қанча-қанча норозилик, дилозорлик юз бермади. Шунинг учунми, «Ўзбек тили оила тили бўлиб қолди», дейилмоқда. Бу ҳам нотўғри. Ахир биз оилада ҳам, болам боғча, мактабда қийналмасин, деб фарзандларимиз тил ўргансин, деб байналмилал тилда гаплашадиган бўлдик-ку. Бинобарин, болаларимиз ўз тилида чала муллаю тили яримта бўлиб қолдилар. Бу соҳада учинчи марта қабул қилинган алифбомизнинг ҳам хизмати катта. Мамлакат халқлари ёзувини «унификациялаш» баҳонасида, зонал тиллар яратишни тезлаштириш мақсадида турк тилли миллатларнинг алифбоси уч марта ўзгартирилди. Халқимиз уч бор саводсиз қилиниб, уч бор қайта савод чиқарди. Охири рус алифбоси ёзувига ўтдик. Афсуски, бизнинг Фахри Камолга ўхшаган тилбузарларимиз янги алифбомизни соқов тилга мослаб бузиб туздилар. Бу алифбода ўзбек тилига хос нафис, нозик оҳанглар қўполлашиб, оҳангини, ҳатто маъносини ўзгартириб юборди. Русча таълим олган ўзбек болалари икки алифбони қориштириб, икки тил оҳангини алмаштириб гапрадиган, «ол!» дейиш ўрнига «ўл» деб талаффуз қиладиган бўлиб қолдилар.

Тилимизни «интернационал сўзлар билан бойитамиз» дегувчи сохта тараққийпарвар чала муллаларимиз бўлар-бўлмасга, эҳтиёжсиз равишда ҳам ёзувимизга, жонли тилимизга ўзга сўзларни киритавердилар. Бу ҳол маданиятимизни турғунликда тутди ва анча орқага суриб юборди.

Халқ тилини ислоҳ қилиб бўлмаганидай уни зўрма-зўраки «бойитиш» ҳам ярамайди. Бир вақтлар «зонал тиллар яратиш» жараёнида қўйилган хато қаторида турмуш тақозоси билан ҳаётимизга кириб келган байналмилал сўзларни ясама ўзбекча қилиб ишлатувчилар ҳам бўлди. Самолётни — учмапойиз, тракторни — ўт омоч, паравозни — «ўтхона» деб кўрдилар, аммо буни халқ қабул қилмади. Кейинча бунинг тескариси юз берди. Натижада соф жарангдор, бой-бадавлат ўзбек тилини курмак босиб кетди.

Халқ маданияти, миллати, давлати, ўзлиги ҳам тил билан белгиланади. Тил — дил ифодаси, дил — тил билан оҳангдош. Тил билан дил хислат, хосият, хусусият ўзгалик, яъни миллий характерни англатади. Миллий тил яхлитлиги — ҳар бир халқнинг туғи — байроғи, ифтихори, шон-шарафи ва давлати демакдир.

Замона зайли билан ўз мавқеини йўқотган миллий тиллар қайта қуриш шарафи билан ўз ўрнини топмоқда. Иттифоқимизда кўпгина жумҳуриятларда миллий тиллар давлат тили, деб эълон қилинди. Бизнинг Ўзбекистонда ҳам ўзлиги йўқотилган ўзбек тилини қайтадан давлат тили деб эълон қилиш ҳаракати бошланди. Негаки уч марта алифбо ўзгартириш ўзбек аҳолисининг маданий тараққиётини сўқмоқлару боши берк кўчаларга киритиб юборди. Эски ўзбек алифбосини йўқотиш минг йиллик меросимизни йўқотишга мўлжалланган эди. Шундай ҳам бўлди. Қадимги нодир асарлар, қўлёзмалар тарихий маданий хазинамиздан халқимиз бенасиб қилинди. Ўзбек халқини араб алифбосида ёзадиган барча Шарқ халқлари, яқин қўшни халқлар билан алоқа қилишдан маҳрум этди. Янги алифбо унификацияси — зонал тилга кўчиш йўли ўзбекча фикрлашни қийинлаштириб қўйди. Натижада ўзбек тили таржима тилига айланди. Вақтли матбуот тили ана шундай тил бўлиб қолди. Чалама-чакки, пала-партиш сўзлар йиғиндисидан иборат ясалган узундан узоқ жумлалардан бирон бир маънони аниқ тушуниш мушкул. Айниқса, муҳим расмий ҳужжатлар, ҳатто маъруза ва нутқлар тили мураккабдан мураккаб нўноқ жумлалар тизмасига айланиб қолди. Муҳим бир ҳужжатда «Бизнинг энг қимматбаҳо бойлигимиз бўлган одамлардан ўч олиш...» деб ёзилиши ўзбек тилининг чулчут тилига айланиб қолганидан бир намуна, холос.

Ҳамма ўзбек тилининг ўз ҳуқуқи тикланишини орзу қиларди. Чунки, ўзбек тилини ўз юртида давлат тили, деб эълон қилиш унинг улуғ инқилобгача ва инқилобдан кейин янги ҳокимият даврида эга бўлган ўз ҳуқуқини қайта тиклаш эди. Ниҳоят, «тиллар ҳақида» янги қонун лойиҳаси майдонга чиқди.

БУ ЛОЙИҲА тўғрисида муҳокама, мунозара боряпти, ўринли мулоҳазалар ва жиддий таклифлар айтиляпти. Лойиҳа хом деяптилар. Лойиҳа лойини соз тупроқдан ясаш керак, деяптилар. Бу гапларнинг кўпига мен ҳам қўшиламан, шу билан бирга ўз фикримни ҳам илова қилмоқчиман.

Бу «лойиҳа» менга бир ўқишдаёқ ўтмишнинг бир воқеасини эслатди. Эмиш бир шаҳар ҳокими қушни яхши кўраркан, фуқаро унга лайлак тортиқ қилибди. Ҳоким лайлакни кўриб «шу ҳам қушми, бўйни мунча узун», деб бўйнини кесибди, оёқлари бир қулоч-ку, деб оёқларини кесибди, сўнгра думини юлиб олибди-да «мана энди қуш бўлди» дебди. Ўхшатиш жоиз бўлса, кимдир бу лойиҳанинг бош-оёғини кесиб, патини юлиб, мана энди лойиҳа бўлди, деб ўртага ташлаганга ўхшайди.

Лойиҳа жуда яхши ният, яхши ҳиммат, катта меҳнат билан юзага чиққан, аммо уни бекаму-кўст деб бўлмайди. Унинг сарлавҳаси чокидан тўкилиб турибди. Кўпчилик бир оғиздан айтаётганидай бир республика, яъни Ўзбекистон ССР бирварақайига барча тиллар ҳақида Қонун чиқаришга ваколатлими? Унинг ўрнига лўнда қилиб «Ўзбек тилига жумҳурият ўрамида давлат тили ҳуқуқи бериш тўғрисида қонун» дейилса чиройли чиқарди ва ҳақиқат тикланарди, демоқдалар.

Лойиҳанинг барча яхши ва заиф томонлари ҳусусида айтилаётган гаплар, матбуотда баён қилинаётган фикрлар маромига етиб қолди, деб бўлмайди. Негаки лойиҳанинг ўзида ўзбек тилига эътиборсизлик анчагина бўртиб турибди. Ўзбек халқининг тилига, дилига, вужудига сингиб кетган сўзлар, иборалар, ном ва нишонлар кўп жойларда бузиб ёзилибди. Бундай ҳуснбузарлик, тилбузарликни қонун қилиб муҳрлаб бўладими!

Янги тузумимиз Ўзбекистонга мустақиллик берган кунларидаёқ элимиз «Ўзбекистон Ижтимоий Шўролар Жумҳурияти» деб эълон қилинган эди. Уни ҳеч бир қонун билан бекор қилмасдан туриб, маъмурий йўл билан ислоҳ қилиб юборилгани маълум. Шу боисдан Ўзбекистоннинг улуғ Инқилоб инъом қилган илк номи тикланиши қайта қуришнинг асл мақсадига мос тушади. «Республика» — Ғарбда байналмилал сўз ҳисобланса, «Жумҳурият» Шарқ мамлакатлари халқларининг, ярим дунёнинг мулки. «Совет»ни «Шўро» деб тилимиз чиққан. Ҳозир ҳам ярим дунё уни «Шўро» дейди. Шунингдек «ижтимоий» — биринчи конституциямиз сўзи. Уларни янгилашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Лойиҳада «Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар ва бошқа объектлар... номлари ўзбекча ягона миллий шаклда берилиб, кейин рус тилига таржима қилинади», дейилибди. Бундан чиқди пойтахтимиз Тошкентни русчага таржима қилиниб «Каменный город» дейишимиз керак экан-да. «Асака»ни нима деб таржима қиламиз, «Қува»нинг русчаси қанақа бўлади? Қонун бунақа бетайин бўлмаслиги керак! Номлар таржима қилинмайди, у мутлақдир!

Ўзбек тилида мавжуд бўлмаган ва замон тақозоси билан турмушга сингиб қолган атамалар, терминларгина ишлатилиши жоиз. «Лойиҳа»да «Ўзбекистон территориясида» каби «территория, территориал» сўз ва иборалар жуда кўп учрайди. Ваҳоланки, ўзбекчада «тегара, ўрам» каби сўзлар бор. «Ўзбекистон ўрамида» ёки «Ўзбекистон тегарасида» дейилса ярашиб тушмайдими. Дастлабки йиллардаги «территориал» ўрнига «тегара фирқа ташкилотлари», «маъмурий тегара идоралар», «тегара ленинчи ёшлар ташкилотлари» бор эди, кейинчалик уни кимлардир зўрма-зўраки русчага айлантириб юборган.

Лойиҳада «статус», «автоном», «конституцион», «орган», «норматив», «социал», «статистика», «протокол», «арбитраж», «ноториал», «объектлар», «товарлар», «группа», «граждан», «юридик» сингарилар тўлиб-тошиб ётибди. Ваҳоланки, буларнинг ҳаммаси ўзбек тилида мавжудки, қонунни ўша ўзбекча сўзларда ифода қилиш керак. «Социал-иқтисодий» деб чала ярим байналмилалий қилиб ёзгунча «ижтимоий-иқтисодий» дейилса бўлмасмиди. «Бошқариш органлари», «Қайд этиш органлари», «Умумиттифоқ органлари», «давлат органлари» кабиларнинг соддагина ўзбекчаси мавжуд-ку: «Бошқарув идоралари», «давлат идоралари», «қайд этиш маҳкамалари»... «Юридик» сўзларни «адлия» деб ишлатиб келинган, «адвокат»ларни «оқловчи», «ҳимоячи» дейилади. Улар Қонунда русчага таржима қилиб ёзилиши керакми!

Ўзбек тили ҳақидаги қонун соф ўзбек тилида жаранглагани маъқул эди, бу ерда аксинча бошқа тилда ёзилиб, ўзбекчага чала-чулпа таржима қилинибди.

Сўз — ирмоқ, тил— денгиз, дейдилар, ирмоқлардан сой ва дарёлар, улар қўшилиб денгизлар пайдо бўлганидек жарангдор, ширали сўзлардан чиройли ва пухта тил яралади. Демак, ҳар бир сўз жумламизга қуймоқ бўлиб қуйилиши керак! Сўзга эътибор — элга эътибор! Афсуски, эътиборсизлик туфайли тилимизга «реабилитация», «реализация», «репрессия» каби сўзлар аралашиб кетяптики, булардан қутулиш учун ҳам тил ҳақидаги қонуннинг ҳар бир сўзи чопса чопилмайдиган, ўтда куймас, сувда чўкмас, захда зангламас қилиб ёзилиши керак. Ўзбек тили маънавий бойлиги, нутқий равонлиги, мусиқавийлиги билан вужудга ёғдай ёқиб, симобдай синггадиган тилки, унинг бу ҳуқуқини баралла тикламоқ ҳам қарзимиз, ҳам фарзимиз!

ЛОЙИҲАДА Ўзбекистонда яшаётган барча халқларнинг тиллари ҳам эъзоз қилинган, улар тараққиётига эркинлик яратилиб савоб иш қилинган. Улуғ рус тилига алоҳида эътибор берилган. Рус тили бутун Иттифоқ тили, халқаро муносабатлар тили. Бу тилни билмоқ ҳар жиҳатдан бойиб бормоқ демакдир. КПСС платформасида айтилганидек, тил жиҳатидан «Русча — миллий» ва аксинча, «Миллий — русча» ривожланиш кўпмиллатли давлатимизнинг ҳаётий қонунидир.



Ўзбек Совет энциклопедиясининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССРнинг тиллар тўғрисидаги қонуни лойиҳасини муҳокама қилмоқдалар.

С. МАҲКАМОВ суратга олган

